

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ Кундалик газетаси

№ 143 (11.204)

Баҳос эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ҳамда Қашқадарё вилояти фаолларининг биринчи ярим йиллик якунлари ҳамда жорий йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.

• Наманган шаҳрида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмаси ҳамкорлигида ташкил этилган семинар инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланди.

• Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида Тошкентдан ташриф буюрган бир гуруҳ таниқли олимлар, ёзувчи, шоир ва санъаткорлар Қорақалпоғистон туманларида қизиқарли учрашувлар ўтказдилар.

• Фарғона водийсида «Компьютер саводхонлиги бўйича ўқув-методик адабиётларнинг электрон вариантлари ва педагогик дастурий қуроллари» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

• Самарқанд шаҳрида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ташаббуси билан ёш энергетиклар анжумани бошланди.

• Сурхондарё вилоятидаги «Сариосиё темир-бетон» масъулияти чекланган жамияти нақшинокор безакли плиткаларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ҳозир ушбу корхонада бир кунда 300 квадрат метрга яқин маҳсулот тайёрланмоқда. Айтиш керакки, вилоятда янги турдаги материалга талаб катта.

• Қонимех туманида иш бошлаган «Ситорабону» ўқув маркази касб ўрганиш иштиёқида бўлган ёшлар учун яна бир имконият эшигини очди. Ҳозирда марказда юзлаб йигит-қизлар компьютер саводхонлиги ва тиқис-бичиш сирларини иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Яқинда ўқув марказининг 35 нафар илк битирувчиларига сертификатлар топширилди.

• Янгиер шаҳридаги физиотерапия маркази вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси филиалига айлантирилди. Юз ўринли мазкур муассасада замонавий тиббий ускуналар ёрдамида остеохондроз, радикулит, асаб, юрак, буйрак касалликларига ташхис қўйиш ва даволаш имконияти мавжуд. Қирқ нафар тиббий ходим беморларга юқори малакали хизмат кўрсатмоқда.

• Шахрихонлик тадбиркор Тохиржон Аҳмедов «Шахрихонтуз» масъулияти чекланган жамияти қошида «Олтин водий» ош тузи корхонасини ташкил этди. Тадбиркор Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот шаҳридаги ҳамкорлар билан шартнома асосида туз келтириб, қадоқлашни йўлга қўйди. Натижада 12 та янги иш ўрни яратилди.

ЖАҲОНДА

• АҚШ Конгрессининг вакиллар палатаси СПИДга қарши курашиш учун 50 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратилиши юзасидан қонун лойиҳасини қабул қилди.

• Колумбиянинг FARC гуруҳи жаңгарилар қўлидан 8 нафар гаровдагиларни озод қилди.

• Миссисипи дарёсининг Янги Орлеан (АҚШ) штатидан ўтган ҳудудда баржа ва Либерея компанияларидан бирига тегишли танкернинг тўқнашиб кетиши натижасида баржа иккига бўлиниб қетган. Ҳозирда дарёнинг ушбу қисмида барча ҳаракатлар тўхтатилган, жабрланганлар ва ҳалок бўлганлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

• Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Литвада иккинчи жаҳон уруши вақтидаги ҳатти-ҳаракатлари учун судланаётган Россия фуқароси Василий Кононовни айбсиз деб топди. Эндиликда Литва ҳукумати 85 ёшли Кононовга етказилган маънавий зарар учун 30 минг евро миқдорида тоvon пули тўлаши керак.

• «Долли» тропик бўронининг АҚШнинг Техас штатига етказган зарари 750 миллион долларлик қийматда баҳоланмоқда.

• АҚШ Миллий хавфсизлиги кенгаши матбуот хизматининг расмий маълумотларига кўра, Техсон ядровий дастурига чек қўймас экан, АҚШ ҳукумати Эронга нисбатан янги иқтисодий санкция жорий этди.

• Кеча Россиянинг Волгоград областида темир йўл ёқасида жойлашган газ ўтказгич қувурининг порташди натижасида темир йўлдан барча поездлар қатнови тўхтатилди.

• Кечадан бошлаб Пекинда мамлакат аҳолиси учун «Олимпиада-2008» га чипталар сотила бошланди. Қондага кўра ҳар бир кишига иккитадан ортиқ чипта сотиш тақиқланган.

• Кеча Австралия ҳарбий денгиз кучлари Шимолий Америка билан ҳамкорликда тайёрланган «Марк-48» номли янги торпедони синовдан ўтказишди.

• Кеча Байкал қўлида Россиянинг «Мир-1» ва «Мир-2» батискафларининг сув остига синов тарихида дастлабки тушиши муваффақиятли ўтди. Энди тез кунларда халқаро экспертлар иштирокида ушбу батискафларда илк бор 1637 метрлик чуқурликда кўл туби тадқиқ қилинади.

• Кеча Ироқнинг Баакуба шаҳрида камикадзе-аёлининг назорат-ўтказиш пункти олдида ўзини порташди юбориши натижасида саккиз киши ҳаётдан кўз юмган, 24 киши турли тан жароҳатларини олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕХНАТИГА ҲАҚ ТўЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Олий таълим муассасалари ходимларининг меҳнати ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш ва таълим-тарбия ишлари даражаси ҳамда сифатини оширишда уларни моддий рағбатлантиришнинг самарали механизминини жорий этиш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ҳамда соҳаларида эҳтиёж сезилаётган юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлашда профессор-ўқитувчилар таркиби қўшаётган ҳиссаси муносиб баҳоланишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнати ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларига амалдаги доимий устама ва қўшимча тўловларни қўшган ҳолда такомиллаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим миқдорини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли Фармонида мубофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар оширилиши билан бир қаторда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларига жорий этилаётган базавий лавозим маошларини ўртача 25 фоиз миқдорда, жами эса 1,5 баробарга оширишни назарда тутсин.

3. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг лавозим маошларига алоҳида иш шaroитлари, хорижий тилларни билиши, муайян хизмат муддатини адо этганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа қўшимча ҳақ тўлашнинг амалдаги турлари ва миқдорлари сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда: олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнати ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларини;

Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнати ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.


7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 24 июль

ЎТАЁТГАН КУНЛАР БИЗНИ ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ — ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИК ШОДИЁНАЛАРИГА ТОБОРА ЯҚИНЛАШТИРМОҚДА. УШБУ ТАБАРРУК АЙЁМНИ Кўтаринки руҳда, меҳнат, ижод ва яратувчилик соҳасидаги улкан ютуқлар билан қаршилаш мақсадида жамиятимизнинг барча жаҳдаларида фаол иш олиб борилаётди. Жумладан, қурувчиларимиз ҳам тўйга тўёна тариқасида кўплаб янги бинолар, иншоотлар ва ўқув муассасалари барпо этиб, халқимиз ва ёш авлод хизматида топшириш тараддуиди.

17 йил МУСТАҚИЛЛИК



БУНЁДКОР ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ

Мамлакатимизда бу жабҳада амалга оширилаётган ишлар жараёнида улғайиб келаётган авлоднинг фаоллигини янада кучайтириш, йигит-қизларни эзгу қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш ва ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётди. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати бу борада тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳлари лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Бу жараёнда олий ўқув юртлири талабалари билан бир қаторда меҳнатда банд бўлмаган ёшлар ҳам қамраб олинаётди. Бунёдкор ёшлар, хусусан талабаларнинг салмокли қисми юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилаётган иншоотлар қурилишида, ўқув муассасаларида амалга оширилаётган реконструкция ва ободонлаштириш ишларида қурувчиларимизга яқиндан кўмак бермоқдалар.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаларидан тузилган ана шундай жамоа пойтахтимизнинг Миробод туманида барпо этилаётган касб-хунар коллежи қурилишида меҳнат қилмоқда. Институт «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотидан маълум қилишларича, эллик нафарга яқин талаба «Ўзтемирйўлқурилишмон-таж» унитар корхонасининг ишчилари билан бир сафда туриб коллеж қурилишида ишламоқда. Ёшларга мохир усталар сувоқчилик, пайвандаш, гишт териш ва мрамар ётқизиш борасида ўз тажрибасини ўргатаётди. Шифокорлар ишчилар саломатлигини ҳамда ошхона ва иш жойидаги санитария-эпидемиология шaroитини назорат қилиб турибди. Бунёдкор ёшлар учун ашаш ва иш жойида барча шaroитлар яратилган. Ёшлар ташкилотлари талабаларининг ишдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Турли спорт ўйинлари, мусикий тадбирлар уюштириляётди.

— Икки йилдан буён ёзги таълимни «Бунёдкор» талабалар меҳнат жамоалари сафида ўтказяпман, — дейди институтнинг 3-курс талабаси Жуманазар Рўзиев. — Ўтган йили Тошғуздор-Бойсун-Қумқўрган темир йўли қурилишида қатнашиб, анча тажриба орттирган эдим. Шунинг баробарида яхши маош ҳам олдим. Шу боис бу йил ҳам меҳнат жамоаси сафида меҳнат қилишга қарор қилдим. Хали иш бошлаганимизга кўп вақт ўтмаган бўлса-да, гишт териш бўйича анча тажрибага эга бўлдим. Юртимиздаги улкан қурилишларга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнуним.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида улғайиб келаётган авлодни қўллаб-қувватлаш, ёш оилалар фаровонли-

улардан бири, Ш.Йўлдошев дарсларни аъло баҳоларга ўзлаштириши баробарида жамоат ишларида ҳам фаол қатнашишга, турли касб-хунарларни ўрганишга астойдил интилади. У «Бунёдкор» ёшлар меҳнат жамоаси сафида пайвандаш ишлари сир-синоатини ўрганиш имкониятига эга бўлмоқда. Шу боис мазкур қурилишда етакчи мутахассислар билан ёнма-ён туриб ишлаётди.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бўлган кишининг кундан-кунга чирой очиб бораётган боғу роғлар, гулу чечакларга бурканган кўчалар ва хиёбонлардан кўндалан кўндалан бўндай ишларни амалга оширишда эзги таълимни бунёдкорлик ишлари билан ўтказяётган талабаларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳозир бу ҳудудда қарийб тўрт юз нафар талабани қамраб олган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат жамоалари иш олиб бораётди. Улар шаҳарча ҳудудида жойлашган ўқув муассасаларининг биноларини таъмирлашда, йўللар, кўчалар ва хиёбонларга экилган гуллар, дарахтлар ва ёш ниҳолларни парваришда, ободонлаштириш ва тозалик ишларида қатнашмоқдалар. Шунингдек, бунёдкор ёшлар шаҳарчада барпо этилаётган янги теннис корти ва футбол майдонни қурилишида ҳам мутахассисларга яқиндан кўмак бераётди.

Бунёдкор ёшларнинг бундай яратувчилик ишларини юртимизнинг барча ҳудудларида амалга ошириляётган қурилиш майдонларида кузатиш мумкин. Бу ишлар давлатимиз раҳбарли томонидан Ватанимиз ва халқимиз олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан бажаришга, истиқлолимизни асраб-авайлаш ва овоз Ватанимизнинг эртаси янада фаровон бўлишига муносиб улуш қўйишга интиляётган ёш авлоднинг эзгу ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга бу борада етарли шaroит яратишга қаратиляётган улкан эътиборнинг бераётган самараларидир.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — КУВАЙТ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИНИ ОЧУВЧИ ТАШРИФ

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ КУВАЙТ ДАВЛАТИ АМИРИ ШАЙХ САБОҲ АЛ-АҲМАД АЛ-ЖОБИР АС-САБОҲНИНГ ЮРТИМИЗГА АМАЛГА ОШИРГАН РАСМИЙ ТАШРИФИНИ КЕНГ ШАРҲЛАМОҚДА.

Жумладан, Кувайтнинг «Ал-Кабас», «Ал-Рай», «Ал-Ватан», «Ал-Жарид», «Авани», «Kuwait Times», «Arab Times», «Ал-Анба» ва бошқа газеталари ўз саҳифаларида икки томонлама муносабатлар ривожининг асосий босқичлари, буюк ота-боболаримизнинг инсоният цивилизацияси ва маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси, шунингдек, мамлакатимизнинг сўнги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётига бағишланган туркум мақолаларни эълон қилди.

Барча оммавий ахборот воситалари икки мамлакат раҳбарияти ва халқи ўртасидаги ўзаро муносабатлар самимий ва дўстона руҳ касб этаётганига алоҳида ургу бериб ўтган.

Жумладан, Кувайтнинг «КУНА» ахборот агентлиги хабарига ёзилишича, «1991 йил декабрь ойида Кувайт Ўзбекистон мустақиллигини тан олган даврдан бошлаб, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар турли соҳаларда изчил ривожланиб келмоқда.

Ўзбекистон Шарқий ва Ғарбий Осиё ҳудудларини боғловчи ўзига хос мустаҳкам кўприқдир. У нафақат ўзининг муҳим жўроғий жойлашуви, балки ислом цивилизациясида тутган алоҳида ўрни ва нуфузи, бой тарихи билан ажралиб туради».

«Ал-Кабас» газетаси ўз мақоласини «Кувайт Давлати Амирининг тарихий ташрифи ҳамкорлигининг янги ўфқларини очади», деб номлаган.

(Давоми 2-бетда).

Кеча сатрларда

- **КЕЧА** Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида абитуриентлар ижодий имтиҳондан ўтишди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** маданияти ва санъати форуми» жағ-армасининг Ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида ёшлар ўртасида уюштириляётган «Келажак овози» кўрик-танловига турли ўзгартаришлар киритилганлиги мазкур танловнинг ташкилий комиссияси йиғилишида маълум қилинди.
- **КЕЧА** Ҳамза туманида

ги «Тенгдош» маданият уйида туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида маънавий-маърифий давра суҳбати уюштирилди.

• **КЕЧА** Миробод туманидаги Фағур Фулом номли маданият уйи қошидаги бичиш-тиқиш тўғрарининг ташаббуси билан «Очқ дурс» тадбири ташкил этилди.

• **РЕСПУБЛИКА** Шошилинч тез тиббий ёрдам марказида шифокорлар иштирокида ўтказилган тадбирда жорий йилда мамлакатимиз ҳудудларида марказнинг 173 та филиаллари ташкил этилганлиги ва ушбу шифо масканларига замонавий тиббий технологиялар келтирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН — КУВАЙТ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УЎҚЛАРИНИ ОЧУВЧИ ТАШРИФ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Яқин ҳамкорлик ва ўзаро тушуниш руҳида кечган музокара-лар чоғида томонлар муносабат-лар ривожидан қониқиб изҳор этиб, алоқаларни янада юксак даражага кўтариш ва жадаллашти-риш имкониятларини атроф-лича муҳокама қилди, - дейди нашр. - Учрашувларда иқтисодий, савдо ва маданий соҳаларда-даги ҳамкорликни мустақамлаш учун катта салоҳият мавжудлиги таъкидланди. Томонлар Ўзбеки-стон иқтисодиётига Кувайт сар-мояларини жалб этиш, икки мам-лакат ўртасидаги савдо айир-бошланишнинг барча шакллари-ни қўллаб-қувватлаш бўйича аҳдла-шувларга эришди. Икки давлат иқтисодий тузилмалари ва иш-билармон доиралари вакиллари ўртасидаги тўғридан-тўғри ало-қаларни ўрнатиш, уларни рағбат-лантириш ва кенгайтириш зарур-лиги қайд этилди.

Мамлакатлар раҳбарлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашди. Яқин ва Ўрта Шарқда ҳамда Марказий Осиё минтақа-сида тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, терроризм ва эк-стремизмнинг барча кўринишлар-ига қарши курашда БМТ ва бо-шқа халқаро ташкилотлар дои-расидаги ҳамкорликни давом эт-тириш зарурлиги таъкидланди, бу борада томонларнинг нуктаи назарлари муштарак экани қайд этилди.

Тарихий, маданий ва маъна-вий қадриятларнинг яқинлигидан келиб чиққан ҳолда томонлар ис-лом динининг маданий ва ил-мий меросини асраб-авайлаш ҳамда уни тадқиқ қилиш йўлла-рини муҳокама қилди. Икки мам-лакат раҳбарлари дунёда бағри-кенг ислом тамойилларини муста-қамлаш йўлидаги фикр-муло-ҳаза алмашинуви ва ҳамкорлик жараёнини давом эттириш зар-рурлигини таъкидладилар. Шунингдек, улар терроризм ва эк-стремизмни ислом дини билан боғлашга бўлган уришишларни кескин қораладилар».

«Arab Times» газетасида қайд этилишича, «Ўзбекистон Республикаси Президенти Исро-м Каримовнинг 2004 йилда Кувайт

Давлатига буюрган ташрифи да-вомида икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкор-ликни мустақамлаш ҳамда икки томонлама муносабатларнинг ривожига мустақам тамал тоши қўйилган эди. Ташриф чоғида иқтисодиёт, савдо, илм-фан, хо-рижий сармояларни рағбатлан-тириш ва икки томонлама со-лиққа тортишдан қочиш, ҳаво транспортни орқали юк ташиш ва жижиратчиликка қарши кураш со-ҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақида битимлар имзоланган эди».

Кувайт телевидениесининг биринчи канали англоликлар да-стурларида томошабинлар эъти-борига Кувайт Давлати раҳбари-нинг Ўзбекистонга амалга ошир-ган расмий ташрифига бағиш-ланган ҳужжатли фильмлар араб ва инглиз тилларида тақдим этилди. Уларда Тошкент халқаро аэропорти ҳамда Дўрмон қороргоҳидаги кутиб олиш мар-симолири, давлат раҳбарлари иштирокидаги ҳужжатларро ва идораларо битимларнинг им-золаниши, Кувайт Амири Ҳазра-ти Имом мажмуасини зиёрат қилиб, муқаддас Курьонинг Ус-мон ибн Аффон Мусхафини кўздан кечириши, шунингдек, Ўзбекистон Президенти номидан олиғ мартабали меҳмон шара-фига ўтказилган қабул мароси-ми акс этган.

Деярли барча газеталар Амир Ҳазрати Имом мажмуасини зиё-рат қилиб, қадимий Усмон Мус-хафини кўздан кечирганига ало-ҳида эътибор қаратди.

«Давлат раҳбари, - деб ёзади нашрлар, - мажмуанинг бунёд этилиш тарихи билан яқиндан танишиб ва мўтабар меҳмонлар котибига дастхат ёзиб қолди-ди».

Шунингдек, мақолаларда рас-мий ташриф чоғида имзоланган битим ва меморандумларга ало-ҳида эътибор қаратилди, ҳуж-жатлар ўзаро алоқаларни кенгай-тиришда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

«Кувайт Амири кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон халқи ва ҳукумати-га миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон Республикаси Прези-

денти Исро Каримовни Кувай-тга расмий ташриф буюришга таклиф этди. Кувайт раҳбари-нинг таклифи мамнуният билан қабул қилинди», - деб ёзади Ку-вайт босма ва электрон нашрла-ри.

«Kuwait Times» ва «Ал-Ватан» газеталари саҳифалари ҳамда «КУНА» ахборот агентлигининг интернетдаги сайтида эълон қилинган «Ўзбекистонга 3,5 мил-лион динор ажратиш бўйича кре-дит шартномасини имзолади» сарлавҳали мақолалар эълон қилинди. Уларда Республика ик-тисослашган хирургия маркази кардиохирургия бўлимини таъ-мирлаш ва жиҳозлаш бўйича ва дойиҳани молиялаштириш тўғри-сидаги кредит шартномаси ҳамда қатор бошқа ҳужжатлар имзолангани тўғрисида хабар берилди.

«Ал-Анба» газетасида ёзи-лишича, «Айни пайтда Ўзбеки-стон Марказий Осиёнинг саноа-ти ривожланган давлатларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда амалга оширилаётган очиқ ва оқилона сиёсат ҳамда қулай сар-моиявий муҳит боис, истиқлол йилларида Ўзбекистонга қарийб 25 миллиард АКШ доллари миқ-доридаги хорижий сармоялар жалб этилди».

Кувайт матбуоти жамоатчи-лик эътиборини Ўзбекистон замини-дан етишиб чиққан буюк олим му-тафаккирларнинг мамлакат тарихи ва жаҳон цивилизация-си ривожига қўшган ҳиссаси мавзусига қаратади.

«Ал-Анба» бу ҳусусда, жумла-дан, шундай ёзади: «Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Махдум аз-Замаҳшарий, Бур-хониддин ал-Марғиноний каби буюк алломалар диний ва дунё-вий билимлар ҳамда ислом ма-данияти ва цивилизацияси ри-вожидида ўлмас эг қолдирган ин-сонлардир. Улардан Ўзбекистон халқига беким ёлмий-маданий аҳамиятга эга бўлган кўплаб но-дир китоб ва кўлэмалар мерос қолган. Айни пайтда мамлакат ҳудудида 4 мингдан зиёд меъ-

морий ёдгорлик мавжуд. Имом-тга расмий ташриф буюришга Шохи-Зинда, Ҳожи Баҳоуддин Накшбанд, Регистон мажмуаси, Улуғбек расадхонаси, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз ва бошқа ша-ҳарларда жойлашган осори-ати-қалар шулар жумласидандир».

Мисрнинг араб тилидаги «Ал-Элаф» интернет-газетаси саҳифасида эълон қилинган ма-қолада шундай дейилади: «Бу-гунги кунда ҳар икки давлат ҳам турли соҳаларда ўзаро дўстона муносабатларни ривожлантириб келмоқда. Кувайт томони ҳукумат-лар ва парламентларо алоқа-ларни фаоллаштиришга алоҳи-да эътибор қаратиб, Ўзбеки-стонга нафақат Марказий Осиё-даги муҳим ва нуфузли давлат, балки ислом динининг чўқур ил-дизларига эга бўлган замин си-фатида қараб, у билан ҳамкор-ликни янада мустақамлашга ин-тилоқда».

Баҳрайн ахборот агентли-гининг хабар беришича, Кувайт Амирининг ташрифи давомида имзоланган қўшма баёнотда то-монлар долзарб масалалар бўйича БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро ҳамкорликни мустақамлашга кели-шга олдилар. «Бинобарин, мамлакатларнинг бу каби маса-лаларга нисбатан ёндашуви яқин ва муштарак бўлиб, улар орасида Яқин Шарқ ҳамда Мар-казий Осиёда тинчлик ва ҳавф-сизликни ўрнатиш, ҳамкорликни ривожлантириш, терроризмнинг барча кўриниш ва шакллари-га қарши курашиш каби масалалар борлигини таъкидлаш жоиз».

Малайзия ахборот агентли-ги Кувайт Амирининг Ўзбеки-стонга ташрифини шарҳлаб, қуй-идагиларни ёзади:

«Азал-азалдан икки мамлакат халқларининг тарихий, маданий ва диний қадриятлари бир-бирига яқин бўлиб келган. Тошкент-даги учрашувлар чоғида Кувайт билан Ўзбекистоннинг бебаҳо тарихий, маданий ва диний ме-роси ҳамда икки мамлакатнинг ислом дунёсидаги нуфузини ҳисобга олган ҳолда бағрикенг ислом ғояларини мустақамлаш йўлидаги биргаликдаги фаоли-

ятни давом эттириш муҳим экан-ни қайд этилди. Муқаддас ис-лом динини терроризм ва эк-стремизм каби тушунчалар билан боғлашга қаратилган ҳар қандай уришишлар қораланди.

Давлатлар раҳбарлари Кувайт билан Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар-нинг ҳозирги ҳолатини кўриб чи-қиб, ҳамкорлик изчил ривожла-ниб бораётганидан қониқиб из-ҳор қилдилар ва уларни янада мустақамлаш масалалари юза-сида фикр алмашдилар».

Малайзия агентлигининг ёзи-лишича, «томонлар савдо-иқтисод-дий ва маданий соҳалардаги ўзаро алмашинуви чўқурлашти-риш борасида улкан салоҳият мавжудлигини қайд этган. Улар мажкур йўналишлардаги ҳамкор-ликни кенгайтиришга, шунин-гдек, Ўзбекистонга Кувайт сар-мояларини жалб этиш ва икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини юксалтириш, махсулот турларини кенгайтиришга қаратил-ган чораларни ҳаётга татбиқ этишга келишиб олди».

«Учрашув ва музокаралар чо-ғида томонлар икки мамлакат ишбилармон доиралари ва иқти-содий компаниялари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўр-натиш ҳамда бу муносабатларни икки давлат манфаатлари йўли-да фаоллаштириш зарурлигини таъкидлади», - деб яқунланади хабар.

Шунингдек, Кувайт раҳбари-нинг Ўзбекистонга ташрифи бағишлаб Саудия Арабистони ва Ўмон ахборот агентликлари, Россиянинг «Интерфакс» ва «ИТАР-ТАСС» ахборот маҳкамалари ҳамда бошқа хорижий ом-мавий ахборот воситалари ўз хабар ва репортажларини тарқатди.

Уларда айтилишича, мажкур ташриф ва унинг асосида им-золанган «стратегик битим ва англашув меморандумлари» Ўзбекистон-Кувайт алоқалари-нинг янада мустақамлашига ҳамда икки мамлакат ўртасида-ги савдо-иқтисодий ва сармо-явий ҳамкорликнинг кенгайиши-га хизмат қилади.

«Жаҳон АА»

Иқтисодиёт

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИШ ЮРИТАЁТГАН ЖАМОАЛАРИНИНГ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБОРДОШ МАХСУЛОТЛАРИ ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАГАНЛИГИ БЕЖИЗ ЭМАС. АЙНИҚСА, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА СИФАТЛИ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ САМАРАЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ ТУФАЙЛИ ИМПОРТ ЎРНИНИ ҲАМ БОСМОҚДА.

Пойтахтимизда ўтган йилдан фаолият юритаётган «JAVLON TEXT» масъулияти чекланган жамияти жамоа-си ҳам ички бозоримизни ўрганиш асосида мавсумий (аёл ва эркеклар учун) кийим-кечаларнинг замона-вий турларини ишлаб чиқармоқда. Хозирда мажкур жа-миятда 8 нафар малакали ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда.

Кичик цех хориждан келтирилган юксак унумли тикув машиналари, дастгоҳ ва ускуна, керакли жи-ҳозлар билан таъминланган. Моҳир дизайнерлар яра-таётган ҳар бир либоснинг замонавий нусхалари усти-да домий, ижодий изланишлар. Янги моделларни яратишда асосан маҳаллий матолар қўлланилади.

Баҳорги-ёзги либослар — 30 хил турдаги гўзал кий-имлар харидорлигини таъминлаш осон кечмади. Жамоа аҳли махсулотларини импорт кийим - кечаклар-дан асло қолтирмайдиган, асосийси иклим шароити-мизга мос бўлишини таъминлашни ўз олдига мақсад қилган ва бунинг уддасидан чиқмоқда.

Кўзги-қўши либослар коллекцияси (40 турдан ортик) жамоа аҳли самарали саъй-ҳаракатларини оқлаб, уларнинг нафақат харидорлигини таъмин-лади, балки келгуси ишлар муваффақиятини ҳам бел-гилан берди. Жумладан, буюртма асосида тикилган мажкур иш кийимлари ҳам минжоларни мамнун қил-моқда.

КАШТАЧИЛИК СИРЛАРИНИ ЎРГАТМОҚДА

МИЛЛИЙЛИГИМИЗ НАМОЁН БЎЛГАН БУЮМЛАР, КИЙИМ-КЕЧАК, УЙ-ЎЗГОР АНЖОНЛАРИ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗИ ҲИСОБЛанади. АЙНИҚСА, РИВОЖЛАНИБ, КЎПЛАБ ЁШЛАРИ ҚИЗИҚТИРАЁТГАН КАШТАЧИЛИК ҲУНАРИ МОМОЛАРИМИЗДАН ҚОЛГАН БЕТАҚРОР, ГЎЗАЛ МЕРСОЛИГИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Чилонзор туманида ёш ҳунарманд сифатида бир неча йиллардан буён фаолият юритаётган қўли гул уста Нилуфар Исманова ҳам бувиси Хуршида Ёқубова-дан ушбу санъат сирларини алоҳида меҳр-муҳаббат билан ўрганган. У жуда ёшлигидан ҳунарини севиб, бувиси билан узоқ тунларни ҳам бирга ўтказар эди. Адрес матосига табиий ранг берилган ипак иплар жис-лоси кўрган кўзларни қувнатади. Ипларни бўяшда эса ёнғоқ, анор пўстлоғи, пивёз, индигир ўтидан самарали фойдаланилади.

Бир-бирини такрорламайдиган махсулотлар — зар-девор, ёстиқжилд, ҳамён, дўппи, нимча, шиппак ка-билар моҳир кўлли ҳунармандларнинг маҳоратлари-дан далоят беради. Эътиборли томони, Нилуфарнинг ҳозирда издошлари сафи кенгайиб бормоқда. У қизи-қувчи ёшларга каштачиликнинг сир-асрорларини эрин-май ўргатмоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Транспорт

ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИНИНГ ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛИНИНГ ЎТГАН ОЛТИ ОЙЛИК ИШ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК ВАЗИФАЛАРИГА БАГИШЛАНГАН ЙИГИЛИШИДА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Хисобот даврида шаҳар жамоат транспортида 262,1 миллион йўловчи ташилди. Даромадлар режаси эса 103,3 фоиз қилиб адо этилди.

Кейинги бир йил ичида жами 375 та «Исузу» русу-мидаги автобуслар харид қилинди. Ўзаро келишувга биноан «71-619 КТ» русумли трамвай вагонларидан 26 таси пойтахтимизга олиб келинди. «Мерседес-Бенц» русумли автобусларни сотиб олиш жараёни ҳам режали асосда давом этмоқда. Йиғилишда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик иш-лари ҳам муҳокама қилинди.

ҚАТНОВ ЯНАДА ЯХШИЛанади

ШУ КУНЛАРДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ТРАМВАЙ ЙЎЛЛАРИДА ҲАМ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Шаҳримиз марказий қисмидаги трамвай изларидан бир нечтаси янгиланди. «Тошэлектротранс» компанияси-дан маълум қилишларича, электр транспорт воситалари тармоқларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари транспорт қатновини янада яхшилаш имконини беради.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси корхоналари ёрдами билан янги рельслар ҳамда уларни мустақамловчи шпаллар ет-казиб берилди.

«ЯХШИ НИЯТ» КОРХОНАСИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА «ИСУЗУ» РУСУМЛИ МЎҲЖАЗ АВТОБУСЛАРДАН ФОЙДАЛЕНИШ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА. ТОШКЕНТДАГИ «12-АВТОБУС САРОЙИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАСАРРУФИДАГИ БУНДАЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ХИЗМАТИДАН АҲОЛИ МАМНУН.

Мажкур саройда «Автобустрас яхши ният» масъу-лияти чекланган жамияти ташкил этилиши ҳам айти-муддо бўлди. Эндиликда бу ерда тажриба тарикаси-да «Исузу»лардан фойдаланиш имкони ҳам туғилди.

Акбар АЛИЕВ

«СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ҲАЁТ!»

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА «СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ҲАЁТ» МАВЗУИДАГИ БАДИИЙ КЎРГАЗМА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА ФАРҶОНЛИК МУСАВВИРЛАР МУҲАММАД ЖЎРАБОВ ВА ВАЛЕНТИН БИЗЯЕВ АСАРЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.

Истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби маънавий-маъри-фий соҳаларда ҳам кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш, санъат-нинг барча йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг истеъод ва қобилиятини тўла на-моён этиши учун кенг имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратил-моқда.

Муҳаммад Жўрабоев — истиқлолнинг саодатли неъматларидан баҳра-манд бўлаётган ижодкорлардан. У дастлаб Республика рассомлик колле-жи, сўнгра олий таълим даргоҳида тасвирий санъат сирларини ўрганди. Унга Незъматилла Кўзйбоев, Раҳим Аҳмедов, Абдулқад Абдуллаев сингари моҳир мусаввирлар устозлик қилди.

М.Жўрабоевнинг бетақор табият манзаралари, тарихий обидалар, фи-дойи ва меҳнаткаш юртдошларимизнинг қиёфаси акс эттирилган карти-налари Япония, Жанубий Корея, Россия, Германия, Чехия, Буюк Брита-ния каби давлатларнинг тасвирий санъат музейлари, галерейлари, кўرғаз-ма залларида сақланмоқда.

Бу жиҳатлар рассом Валентин Бизяев ижодида ҳам яққол кўзга ташла-нади. Табиат гўзаллиги, мафтункорлигини ҳис этиш ва ундан тасвирий санъат иҳсосмандларини баҳраманд эта олиш В.Бизяев ижодининг асо-сий жиҳатларидандир. Фарғоналик мусаввирларнинг кўрғазмада намой-иш этилаётган ўнлаб картиналари бунинг далилидир.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

ПЕКИНДАГИ МИЛЛИЙ КАТТА ТЕАТР КОНЦЕРТ ЗАЛИДА ХХІХ ЭЪГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА БАГИШЛАНГАН МАДАНИЙ ТАДБИРЛАР ДОИРАСИДА «ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МАМЛАКАТЛАРИ МАДАНИЯТИ КЕЧАСИ» БЎЛИБ ЎТДИ.

ПЕКИНДА ШҲТ МАМЛАКАТЛАРИ МАДАНИЯТИ КЕЧАСИ

ХХР Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган концертда Хитой ҳукумати, ШХТга аъзо давлатлар элчихоналари ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Икки кун давомида улугвор театр биносида ШХТ аъзолари — Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон дав-латларининг миллий куй ва кўшиқлари янгра-ди. Ушбу мамлакатларнинг таниқли хонанда ва музикачилари санъат шинавандалари эътиборига ўз миллий музика асарларидан иборат бўлган куй ва кўшиқлар гулдastasини тақдим этди.

Анжуман Пекиннинг «Баи» ўрта мактаби ўқувчиларидан тузилган болалар хори ижроси-даги «Молихуа» («Ясмин») кўшиги билан очилди. Шундан сўнг томошабинлар эътиборига «Ал қонир» қозоқ халқ кўшиги ҳамда қозоғистонлик таниқли пианиночи А.Асабаев ва жўрлигидаги Ш.Гунининг «Ромео ва Жюль-етта» операсидан «Жульетта валиси» хавола этилди.

Ўзбек фольклор асарларини «Офарин» ансамб-ли, қирғиз халқ кўйи «Ширлидоқчи» Қирғизистон

миллий филармонияси «Камбаркан» ансамбли, «Хижрон» операсидаги Каварадосси ариясини К.Ту-ропов маҳорат билан ижро этди. Тожикистонлик кўшиқчи М.Достиев «Оламафрўз» ҳамда «Бир қизни учратдим» кўшиқларини, Россия халқ арти-сти В.Маторин эса «Благословлю, вас леса...» ария-сини куйлади.


Гала-концертнинг иккинчи кун ШХТга аъзо мамлакатлар музика санъатининг ўзига хос фе-стивалига айланди. Хитой миллий симфоник оркестри жўрлигида таниқли скрипкачи Сюэ Вэй, сопрано Хуан Ин, тенор Фан Цзинма ҳамда пианиночи Чэн Саннинг қиқишлари на-мойиш этилди.

Ўзбекистон халқ артисти А.Исмоилов раҳ-барлигидаги «Офарин» ансамблининг дастури муҳлисларда айнақса катта қизиқиш уйғотди. Ўзбек миллий музика асарларидан тузилган ўзига хос попури Миллий катта театрга йи-гилган икки мингдан зиёд томошабиннинг кўнглига бир олам шодлик туҳфа этди.

«Жаҳон» АА. Пекин.



ЁШЛАР ЖАМИЯТИНИНГ ҲАЁТИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ КУЧ ҲИСОБЛанади. ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДАНОҚ ЮРТИМИЗДА ЁШЛАРИМИЗ КАМОЛОТИ, САЛОМАТЛИГИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЭНГ ДОЛЗАБ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ. БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУҚ, КОМИЛ ИНСОН ҚИЛИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ВА УЛАРНИНГ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИГА САФАРБАР ЭТИЛИШИГА МУҲИМ АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛМОҚДА. ЗЕРО, ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР КЕЛАЖАККА БЎЛГАН ЭЪТИБОРДИР.



тирок этмоқдалар, — дейди Ҳамза тумани халқ таълими бўлими му-дири ўринбосари Фотима Бекму-ротова.— Ёшлар ташландиқ жой-ларни обод қилиб, гуллар экиб, болалар ўйингоҳларини ташкил этиб, дам олиш масканига, яъни «Бунёдкор ёшлар» боғига айлан-тиришга астойдил ҳаракат қилмоқ-далар. Ҳозирги кунда халқ таъли-ми бўлими томонидан жойларда ҳар бир «Бунёдкор ёшлар» гуруҳ-лари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилган. Ҳар бир «Бунёдкор ёшлар» боғи ўзининг номига эга бўлиб, улар ўз гуруҳ-лари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом ҳамда гуруҳлар-

Хайрли ташаббус

ЁШЛАР БОҒЛАРИ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Жорий йилнинг мамлакатимиз-да Ёшлар йили деб эълон қилин-ганлиги бу ёшларимизнинг жамия-ят ҳаётида фаолликларини, истеъ-одларини, билим ва маҳоратлар-ини, гайрат-шижоатларини намой-ён этишларида муҳим туртки бўлди, десак адашмаймиз.

«Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшларни ободонлаштириш ишларида жалб

қилиш, уларни ижтимоий фойда-ли меҳнат билан банд этиш мақ-садида ва Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан Ҳамза ту-мани Халқ таълими бўлими тасар-руфидан 28 та умумтаълим мак-табларида айна кунларда «Бунёд-кор ёшлар» боғи ташкил этил-моқда.

—Мажкур гуруҳларга тумандаги

умумтаълим мактабларида таълим олаётган ёшлар ўқувчи-ёшлар жалб қилиниб, улар ўзларига бирикти-рилган ҳудудларда «Камолот» ЕИҲ жойлардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмаги-да ихтиёрий равишда бўш вақтлар-ида ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиб, бунёдкор-лик, ободонлаштириш ва кўчалар-зорлаштириш ишларида фаол иш-



ДУШАНБА, 28

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00, 12.50, 22.55 «Икким»... 7.05, 23.15 «Икки тақдир»...

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро»... 8.25 «Малахов +»... 9.25 «Модный приговор»...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультфильмы... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»... 8.15 М/ф «Мир Бобби»...

«Тошкент»

17.55 М/ф «Денгиз итлари»... 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет»... 18.25 «Биласизми?»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 7.05 «Сериал «Бальзаковский возраст»... 8.00 «Сериал «Аэропорт-2»»...

«Ешлар»

6.55 «Ватан мекри»... 7.00, 15.00 «Даврининг боласи»... 7.10 «Таътил тухфаси»...

«Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!»... 7.50 Х/ф «Путешествие во влюбленность»... 9.45, 16.50 Вести. Дежурная часть»...

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро»... 8.00, 9.30, 16.30, 21.30 «Хабарлар»... 8.25 «Малахов +»...

«ТВ-3»

7.00 «Бодрое утро»... 8.00, 9.30, 16.30, 21.30 «Хабарлар»... 8.25 «Малахов +»...

«Тошкент»

17.55 М/ф «Денгиз итлари»... 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет»... 18.25 «Биласизми?»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 7.05 «Сериал «Бальзаковский возраст»... 8.00 «Сериал «Аэропорт-2»»...

«Ешлар»

6.55 «Ватан мекри»... 7.00, 15.00 «Даврининг боласи»... 7.10 «Таътил тухфаси»...

«Ешлар»

16.55 «Ватан мекри»... 17.00 «Еш оилага этибор»... 17.15 «Туй либослари»...

«ТВ-3»

7.00 «Бодрое утро»... 8.00, 9.30, 16.30, 21.30 «Хабарлар»... 8.25 «Малахов +»...

«Тошкент»

17.55 М/ф «Денгиз итлари»... 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет»... 18.25 «Биласизми?»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 7.05 «Сериал «Бальзаковский возраст»... 8.00 «Сериал «Аэропорт-2»»...

«Ешлар»

6.55 «Ватан мекри»... 7.00, 15.00 «Даврининг боласи»... 7.10 «Таътил тухфаси»...

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро»... 8.00 «Талкин»... 8.25 «Малахов +»...

«Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!»... 7.50 Х/ф «Путешествие во влюбленность»... 9.45, 16.50 Вести. Дежурная часть»...

«ТВ-3»

7.00 «Бодрое утро»... 8.00, 9.30, 16.30, 21.30 «Хабарлар»... 8.25 «Малахов +»...

«Тошкент»

17.55 М/ф «Денгиз итлари»... 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет»... 18.25 «Биласизми?»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 7.05 «Сериал «Бальзаковский возраст»... 8.00 «Сериал «Аэропорт-2»»...

«Ешлар»

6.55 «Ватан мекри»... 7.00, 15.00 «Даврининг боласи»... 7.10 «Таътил тухфаси»...

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро»... 8.00 «Талкин»... 8.25 «Малахов +»...

«Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!»... 7.50 Х/ф «Путешествие во влюбленность»... 9.45, 16.50 Вести. Дежурная часть»...

«ТВ-3»

7.00 «Бодрое утро»... 8.00, 9.30, 16.30, 21.30 «Хабарлар»... 8.25 «Малахов +»...

«Тошкент»

17.55 М/ф «Денгиз итлари»... 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет»... 18.25 «Биласизми?»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 7.05 «Сериал «Бальзаковский возраст»... 8.00 «Сериал «Аэропорт-2»»...

«Ешлар»

6.55 «Ватан мекри»... 7.00, 15.00 «Даврининг боласи»... 7.10 «Таътил тухфаси»...

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Тошкент солиқ коллежи 2008-2009 ўқув йилида ўқитувчилар таркибига қўшимча танлов эълон қилади... Илмий даражага, илмий унвонга ва илмий педагогик иш стажига эга бўлган...

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

ОЗ-ОЗ ЎНГАНИЧ ДОМО БУЛАВ... МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ГУЛХАНИЙ ҲИҚМАТЛАР... Оларда ҳисоби тўққуз, берурда саногии ўттуз. Ўз айбин билган марддур. Тўйга борсанг тўйиб бор, тўрқа тўнинг кийиб бор. Уйдаги сўз бозорга рост келмас. Икки суюклик бир кўнгилга сиғмас. Икки кема тутганлар қолди гарқоб ичинда, чикмас ул денгиздин бир кема тутмагунча. Арғумқот бўлмас озган сўнг; ҳўжаси қулига боқмас ёзгон сўнг. Сунган бўйонни қилич кесмас. Арзон кира шаҳардин овора қилур. Ҳар кимки сафар қилса, писандида бўлур, Хўршед каби зийи ҳар дида бўлур. Оламда нимарса йўқ сувдин тотлиғ, Бир ердан мақом этса агар, ганда бўлур. Дарахтни ўзга жойга ўрнатсалар кўқармас. Сафарда рафиқ керак. Яхшилиқ қил — сувга сол, сув билмаса балиқ билур, балиқ билмаса, холик билур. Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур. Билганнинг йўқмуқим, акрабнинг муддаси ниш урмоқдур, хоҳ дўст кўксинадур, хоҳ душман орқасина. Аслининг хатоси бўлмас, ножинсининг ошноси бўлмас. Бўйнида иллоти борнинг оёғи қалтирайдур. Шайхнинг ҳунари бўлмаса, хонақоҳ танг. Қаловин топса, қор ёнар, қаловин топмаса, қоқшол ўтун ҳам ёнмас. Дўстлар аҳил бўлса, иши осон бўлади. Сўзни айттил уққанга, жонни жонга суққанга. Мазалиқ сўзга ҳар қанча қулоқ солса бўлур. Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз, Ани сўз демагил, эй мажлис афрўз. Кўйнидин тўқулса кўнжиға. Эр тилаган ерда азиз. Қизни ошиқига бер. Олтуннинг битган ерда кадри бор. Чангал ўз жойида кун кўрар.



(Давоми.Боши 3-бетда).

22.10 2008 йил - Ёшлар йили: «Эртанинг эгалари».

22.45 «Кино SMS со звездами».

22.50 Х/ф «Телепорт».

«Спорт»

7.00 «Бодур утрос».

8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».

8.25 «Малахов +».

9.15 Мультфильм.

9.50 «Морозов». Сернал.

10.40 Велоспорт.

11.10 Гандбол.

18.00 «Халк уйларлари».

18.20 «Тет-а-тет».

18.50 «Гейм-Сет-Матч».

19.05 Волейбол.

19.50 «Спортлото».

20.00 Историја Олимпийских игр.

21.20 «Бизнес ревью».

21.50 «Настоящая Маккой». Х/ф.

23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!».

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».

8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00

Новости.

8.25 «Малахов +».

9.25 «Модный приговор».

10.25 «Контрольная закупка».

11.25 «Агент национальной безопасности».

12.25 «Детективы».

13.25 «Понять. Простить».

14.15 «Огонь любви».

15.10 «Давай поженимся».

16.00 «Федеральный судья».

17.10 «Пусть говорят».

18.05 «След».

17.05 «Монтажист». Сернал.

20.00, 2.00 «Время».

20.30 «Сернал «По ту сторону волков»».

21.30 «На ночь глядя».

21.25 «Любовницы».

23.15 «Обфос».

23.40 Х/ф «Слоеный торт».

1.30, 2.30 Комедия «Джинсы-талисман».

«Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!».

7.50 «Екатерина Фурцева. Женская доля».

8.45 Т/с «Шахматист».

9.45, 16.50, 3.45 Дежурная часть.

10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.

10.45 Т/с «Шахматист».

11.45 Х/ф «Вечный зов».

12.50 «Бобик в гостях у Барбоса». М/ф.

13.20, 16.30 Вести-Москва.

13.40 Т/с «Взрослые игры».

14.35 «Суд идет».

15.30 «Кулагин и партнеры».

16.40 «Женщина без прошлого». Т/с.

18.00 «Родные люди». Т/с.

19.50 «Спокойной ночи, малыши».

20.00 Т/с «Колдовская любовь».

21.00 Т/с «Осенний детектив».

21.55 «Засекреченный Герой Советского Союза».

22.50 «Вести+».

23.10 Комедия «Ты - мне, я - тебе».

00.50 «Дорожный патруль».

1.10 Х/ф «Касабланка».

3.00 Сернал «Люди в деревьях».

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром».

7.05 Сернал «Бальзаковский возраст, или все мужики сво...».

8.00 Сернал «Аэропорт-2».

9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня».

9.25 «Спасатели».

10.00 Сернал «Острог. Дело Федора Сеченова».

12.30 Сернал «Омут».

13.35 «Суд присяжных».

14.30 «Суд присяжных».

15.35 Сернал «Возвращение Мухомора».

18.40 Сернал «Слепой. Программа убивать».

20.35 Сернал «Закон и порядок».

22.00 Сернал «Проклятый рай».

23.50 «Один день. Новая версия».

00.25 Боевик «Побег».

2.50 Сернал «Граф Крестовский».

3.45 Сернал «Джоуи-2».

4.35 М/с «Бэтмен-3».

«СТС»

7.00 «Зена - королева воинов».

7.55 «Смешарики». М/с.

8.00, 11.30, 18.00 Комедия «Моя прекрасная няня».

8.30, 20.00 Комедия «Папины дочки».

9.00, 21.00 «Рыжая». Мелодрама.

10.00, 19.30, 00.50, 1.00 «6 кадров».

10.30, 22.00 «Атлантида». Драма.

12.30, 4.45 «Дочки-матери».

13.30 Комедия «Люба, дети и завод».

14.00 «Приключения Гекльберри Финна». М/с.

14.30 «Шаман Кинг». М/с.

15.00 «Приключения Вуди и его друзей». М/с.

15.30 «Обан. Звездные гонки». М/с.

16.00 «Люди в черном». М/с.

16.30 «Клуб Винкс - Школа волшебниц». М/с.

17.00 «Таинственный портал». Сернал.

17.30 «Галилео». Сернал.

18.30, 5.35 «Доктор Кто». Сернал.

22.58 Скажи!

23.00 Х/ф «Марабунта».

1.30 «Слава богу, ты пришел!».

2.45 «Танцы под звездами». Сернал.

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультфильмы.

7.45 М/ф «Уолтер Мелон».

8.15 М/ф «Мир Бобби».

8.45 М/ф «Что с Энди?».

10.00, 16.00 Сернал «Баффи - истребительница вампиров».

истребительница вампиров».

11.00 Х/ф «Домашний арест».

13.00 Д/ф «Разрушители мифов».

14.00, 18.00 Сернал «Звездные врата: Атлантида».

15.00, 20.00 Сернал «Переговорщицы».

17.00 «Упс!».

19.00, 00.00 Сернал «За гранью возможного».

21.00 Д/ф «Тайные знаки. Гиблые места».

22.00 Х/ф «Брейжелект».

1.00 Х/ф «Рой».

3.20 Культ личности.

ПАЙШАНБА, 31

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

7.00, 12.50, 22.55 «Иклим».

7.05, 23.15 «Икки тақдир». Т/с.

7.45 «Дилхуш наволар».

8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».

8.35, 17.15, 20.05 «Олтин мерос».

8.40, 18.05 «Умр манзаралари». Т/с.

9.25, 17.55 «Ихзор».

9.30 «Чанқовуз».

9.50 «Цирк, цирк, цирк».

10.10 «Ака-ука Гримм эртақлари». М/с.

10.35 «Корақалпоқнома».

10.55 «Сизнинг адвокатингиз».

11.40, 19.10 «ТВ шифокор».

11.15, 20.10 «Хаёт синовлари». Т/с.

13.00 «Мухаббат ва ахтироси». Т/с.

14.20 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройиботлари».

15.15 «Минг бир ривоят».

15.20 «Оханрабо».

16.00 «Замондошим».

16.10 «Зомин илҳомлари».

16.40 «Имконият».

17.20 «Қашқадарё соҳиллари бўйлаб».

17.30 «Шифокор қабулида».

17.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».

18.50 «Бир ўлка-ки...».

19.15 «Оханғлар оғушида».

21.30 «Хонадон».

21.55 «Сунгги совға». Б/ф.

23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».

«Ёшлар»

6.55 «Ватан меҳри».

7.00, 15.00 «Давринг бола-сини».

7.10 «Тайтил тухфаси».

8.30 «Болалар илҳоми».

8.45 «Каминанинг оиласи».

9.00 «Ешлар ва талим».

9.10, 19.30 «Июнь оқшоми». Т/с.

9.45 «Қардрон кўшиқлар».

9.55, 18.00, 21.05 «UzEX хабарлари».

10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».

10.10, 17.00 «Ешлар майдони».

11.10 «Автопатруль».

11.30 «Зулфия издошлари».

11.40 «О, ёшлигим!».

11.45 «Миллий мерос».

12.00 «Чемпион».

12.20, 21.10 «Жумонг». Т/с.

13.10 «Ешлар ила саҳбат».

13.35 «Келажакка интилиб».

14.00 «Хаёт сабоғи». Т/с.

14.35, 22.35 «SMS-музыка».

14.45 «Матонат».

15.10 «Мультипанорама».

15.35 «Тасвир ва таассурот».

15.55 «Тошкент таронаси».

16.10 «Галактика». Т/с.

16.55 «Жаннат улкам».

18.05 «Шарк гаҳвари».

18.10 «Навойи». Т/с.

18.40 «Миллий мерос».

18.55 «17 ёшинг муборақ!».

20.10 «Уйлонлар».

20.15 «Умр баҳори».

20.35 «Тошкент-2200».

20.40 «Ешлар илҳоми».

21.00 «Тошкент оқшоми».

21.50 «Телеухфа».

21.55 «Хаёт кўзгиси».

22.30 «Истиқлол саодати».

23.00 «Севинганлар». Т/с.

23.35 «Юрт тинчилиги».

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!».

8.30, 18.50 «Эсмеральда». Т/с.

8.55, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».

9.15, 11.20, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».

9.20 Камер оркестринг концерти.

9.30, 10.30, 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».

9.40 «Эртанинг эгалари».

9.55, 21.45 «Уйларим».

10.00, 19.25 Музыка SMS.

10.25, 18.25 «Биласизми?».

10.40, 20.20 «Милларос». Т/с.

11.10, 20.50 «Интервью».

11.30 Х/ф «Телепорт».

17.55 М/ф «Денгиз итилари».

19.50 «Экономическое ревью».

21.00 «Жозоба».

22.10 Узбектефильм на мойи этиди: «Шундай маскан бу».

22.45 «Кино SMS со звездами».

22.50 Х/ф «Два мира».

«Спорт»

7.00 «Бодур утрос».

8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».

8.25 «Малахов +».

9.15 Мультфильм.

9.50 «Морозов». Сернал.

10.40 Велоспорт.

11.10 «Футбол мунирал».

18.00 «Ўзбек спортининг 17 фасли».

18.20 «Тет-а-тет».

18.50 Енгил атлетика.

19.40 Баскетбол.

20.20 Историја Олимпийских игр.

21.20 «Бизнес-ревью».

21.50 «Зеркало треснуло». Х/ф.

23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!».

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».

8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00

Новости.

8.25 «Малахов +».

9.25 «Модный приговор».

10.25 «Контрольная закупка».

11.25 «Агент национальной безопасности».

12.25 «Детективы».

13.25 «Понять. Простить».

14.15 «Огонь любви». Сернал.

15.10 «Давай поженимся».

16.00 «Федеральный судья».